

---

## ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Туман ахборот кутубхона марказида Фарғона Давлат университети талабаси, шоира Ҳаётхон Набиева ташаббуси билан Эркин Воҳидов номидаги Марғилон ижод мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир Баҳодир Исо билан учрашув ташкилланди. Учрашувда ёш ижодкорлар билан бирга ёши улуғ адабиёт ихлосмандлари ҳам иштирок этдилар. Меҳмон ўз ижод йўли, бу йўл машаққатлари, қувончлари ҳақида сўзлаб берди. Шоир бор жойда, мушоира бўлади. Меҳмонун мезбонлар шеърлар ўқишди. Баҳодир Исо ёш ижодкорларга маслаҳатлар берди. Ижодий учрашув мароқли, самимий ўтди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-09 16:29:48